
**Эртага Яйпанда "SAVE ARAL" халқаро экомарафони бўлиб ўтади!
Ҳурматли Ўзбекистон туманиликлар ва туманимиз меҳмонлари!**

Эртага, 25 сентябр куни туманимизда «Save Aral», яъни «Оролни қутқарамиз» хайрия акцияси доирасида оммавий югуриш ва юриш марафонлари бўлиб ўтади.

Марафонда ҳаваскор югуриш ихлосмандлари, ушбу спорт турига қизиқадиган ёш атлетлар ҳамда барча тумандошларимиз иштирок этиши мумкин.

Халқаро экомарафонга соат 10-00 да Яйпан шаҳар Ибн Сино кўчасида жойлашган “Булут текстил” МЧЖга қарашли пахта тозалаш заводи ёнидан тантанали равишда старт берилади.

Барча кўнгилли спортчиларни ушбу марафонда иштирок этишга таклиф этиб қоламиз!

2021-09-24 09:12:47